

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ DSc.26.04.2018.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИМЛИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КУРБАНОВ НУРАЛИ АБДУРАХМОНОВИЧ

**ДИЛАТАЦИОН КАРДИОМИОПАТИЯ: АЛОХИДА ШАКЛЛАРИНИНГ
КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ ЎЗИГА ХОСЛИГИ, ИММУН-ГЕНЕТИК
КАРТИНАСИ ВА БЕМОРЛАР ХАЁТ ПРОГНОЗИ**

14.00.06 – Кардиология

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Курбанов Нурали Абдурахмонович

Дилатацион кардиомиопатия: алохида шакллари клиник-
функционал ўзига хослиги, иммун-генетик картинаси ва беморлар
ҳаёт прогнози 3

Курбанов Нурали Абдурахмонович

Дилатационная кардиомиопатия: клинико-функциональные
особенности отдельных вариантов, иммуно-генетическая картина и
прогноз жизни больных 29

Kurbanov Nurali Abdurakhmonovich

Dilated cardiomyopathy: clinic and functional features of particular
variations, immunogenetic view and life expectancy of patients 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 60

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ DSc.26.04.2018.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИМЛИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КУРБАНОВ НУРАЛИ АБДУРАХМОНОВИЧ

**ДИЛАТАЦИОН КАРДИОМИОПАТИЯ: АЛОХИДА ШАКЛЛАРИНИНГ
КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ ЎЗИГА ХОСЛИГИ, ИММУН-ГЕНЕТИК
КАРТИНАСИ ВА БЕМОРЛАР ХАЁТ ПРОГНОЗИ**

14.00.06 – Кардиология

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (dsc) диссертацияси мавзуси ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида № B2017.2.DSc/Tib151 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Курбанов Равшанбек Давлятович
тиббиёт фанлари доктори, ЎзФА Академиги

Расмий оппонентлар:

Камилова Умида Кабировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Фомин Игорь Владимирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Носиров Шомурод Носирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Академик М. Миррахимов номидаги кардиология
ва терапия миллий маркази**
(Қирғизистон)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.26.04.2018.Tib.64.01. рақамли Илмий кенгашнинг «___»_____2018 йил соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4. Тел/факс (99871) 237-38-16, e-mail: info@cardiocenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ билан рўйхатга олинган) Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4. Тел/факс (99871)237-38-16.

Диссертация автореферати 2018 йил «___»_____да тарқатилди.

(2018 йил «___»_____даги № ____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Д. Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, ЎзФА Академиги

Г.А. Хамидуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б. Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Кардиомиопатиялар (КМП) диагностикаси ва даволашнинг самарали йўллари излашда охирги йиллардаги эришилган муваффақиятларга қарамасдан, ушбу муаммо юрак қон-томир тизими (ЮҚТТ) касалликлари орасида прогностик нуқтаи назардан салбий хасталиклардан бири бўлиб қолмоқда. КМПларнинг энг кенг тарқалган (60%) тури дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) бўлиб, юрак етишмовчилиги (ЮЕ) авж олиши туфайли шифохонада даволанаётган беморларнинг 25%ни ташкил қилади. Бунда 90 % беморларда ЮЕнинг оғир босқичи бўлиб, 5 йиллик яшовчанлик кўрсаткич атиги 31%ни ташкил қилади. Таъкидлаш жоиз, ДКМП асосан аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатламини (30-50 ёшлар) зарарлаб, меҳнат қобилиятини тўлиқ йўқотишига ва ўлим кўрсаткичининг ошиши билан тавсифланади. Халқаро юрак ва ўпка трансплантацияси жамияти маълумотларига кўра, «45 ёшгача бўлган беморларда юрак трансплантациясининг асосий сабаби ДКМП ҳисобланади»¹. Юрак трансплантациясига талаб йилига дунё бўйича 40 мингдан ошади, аммо донор орган танқислиги ва иқтисодий муаммолар туфайли атиги 3500 та юрак кўчириб ўтказилади. Йилига «кутиш рўйхати»да турган ДКМПли беморларнинг 30% амалиёт бажарилгунга қадар ҳаётдан кўз юмишади.

Дунёда ДКМП ривожланиш механизмлари, эрта босқичда ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш борасида бир қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. ДКМПни ривожланишида генетик ва иммунологик омиллар ҳамда яллиғланиш цитокинларининг иштирокига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу касалликнинг ўзига хос клиник кечиши, айниқса ёш оилаларда туғруқдан кейинги ва оилавий шакллари эрта аниқлаш, касалликнинг олдини олиш мақсадида клиник белгилари пайдо булгунга қадар ДКМПни аниқлаш услубларини ишлаб чиқиш, яқин ва олис даврларда ҳаёт прогнозини башорат қилувчи прогностик моделлар яратиш, хавф-хатар омили юқори бўлган беморларни ўз вақтида аниқлаб олиш, шу ўринда керакли рационал даволаш-профилактик тадбирларини қўллаш, ҳаёт сифати яхшилаш ва давомийлигини узайтириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасига алоҳида эътибор берилиб, аҳолига тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан охирги икки йил мобайнида қатор қарорлар қабул қилиниб, кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида «соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ва сифатини яхшилаш, тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг принципиал жиҳатдан янги тизимини ташкил қилиш» каби вазифалар белгилаб берилган. Шу

¹ Burkett E.L., Hershberger R.E. Clinical and genetic issues in familial dilated cardiomyopathy, J Am Coll Cardiol 2005;45:969-981

аснода аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хавф омилларини эрта аниқлаш ва бартараф қилишда патронаж хизматининг ҳиссасини ошириш, диагностика ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолар эканлиги белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»²ги Президент Фармони билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 30 сентябрдаги ПҚ-2620-сон Қарори «Иммунология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июнидаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3071-сонли Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш учун диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI « Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.³

Нокоронароген кардиомиопатиялар патогенези, диагностикасини ўрганиш, касаллик ривожланишининг генетик асосларини аниқлаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, National Heart, Lung, and Blood Institute (АҚШ), Boston Children's Hospital, Boston, MA (АҚШ), Brigham and Women's Hospital, Boston, MA (АҚШ), Careggi University, Florence (Италия), Erasmus University, Rotterdam (Недирландия), Stanford University, Palo Alto, CA (АҚШ), University of Michigan, Ann Arbor MI (АҚШ); Akureyri Hospital Iceland, Akureyri (Исландия), Laboratory of Genetics and Molecular Cardiology, Sao Paulo (Бразилия), Yale-New Haven Hospital, New Haven, Connecticut (АҚШ), Cincinnati Children's Hospital and Medical Center Cincinnati, Ohio (АҚШ), Royal Brompton Hospital, London (Англия), Royal Prince Alfred Hospital, Centenary Institute of life saving research, Sydney (Австралия), Texas Heart Institute (АҚШ), Vessels and Blood Institute, Paris (Франция), Quebec Heart and Lung Institute, Quebec (Канада), В.А. Алмазов номидаги Миллий тиббиёт текшириш маркази (Россия Федерацияси), Томск илмий тадқиқот илмий марказининг тиббий генетика илмий текшириш институти (Россия Федерацияси),

² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўнали бўйича Ҳаракатлар стратегияси

³ Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотлари мунозараси: <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed>, www.almazovcentre.ru.

шунингдек Ўзбекистонда Республика ихтисослаштирилган илмий амалий тиббиёт кардиология марказида олиб борилади.

Кардиомиопатияларнинг тарқалганлиги, диагностикаси ва даволаниши, шунингдек уларнинг ривожланишининг турли предикторлари бўйича қуйидаги қатор натижалар олинган: ДКМП кардиомиопатиялар орасида энг кўп учрайдиган тури бўлиб, ривожланиши кўп омилли табиатга эга, яъни ҳам орттирилган (яллиғланиш, токсик ва идиопатик) (Royal Bromton Hospital, London, Англия), ҳам генетик сабаблар (Careggi University, Florence, Италия), кардиомиопатияларнинг ишчи классификацияси ишлаб чиқилган (A position statement from the European Society Of Cardiology working group on myocardial and pericardial diseases), шунингдек даволаш ва ҳаёт прогнозини яхшилашнинг янги усуллари ишлаб чиқилди (American Heart Association Committee on Heart Failure and Transplantation of the Council on Clinical Cardiology, АҚШ). Жаҳонда ДКМП касаллигининг диагностикаси ва унинг клиник белгилари, яъни ЮЕни даволашни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. ДКМП ривожланишининг анамнестик, патофизиологик ва молекуляр-генетик асосларини, шунингдек генлар ва уларнинг мутациясини аниқлаш, даволаш самарасини ошириш, диагностика усуллари, айниқса клиник белгилари пайдо бўлгунга қадар даврда такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ДКМПнинг таснифланиши тарқалувчанлиги, ривожланиш патогенетик механизмлари, ҳаёт прогнозини ўрганиш ва даво муолажаларини такомиллаштиришга бағишланган кўплаб олимлар илмий ишлари мавжуд (Adler E. et al., 2005; Mestroni L. et al., 2017; Elliott P et al., 2008; Терешенко С.Н. ва ҳаммуал., 2012). ДКМПнинг тарқалганлиги бўйича охириги тадқиқотлар Европа мамлакатлари (2011й) ва Россия давлатида (2012) ўтказилган. Европада ДКМПнинг улуши СЮЕ мавжуд беморлар орасида 11%ни ташкил қилган бўлса (Mestroni L. et al., 2011), Россия давлатида бу кўрсаткич 2,6%ни ташкил қилган (Терешенко С.Н. ва ҳаммуал., 2012). ДКМПнинг оилавий шакли тарқалганлиги Япония ва Африкада 30% (Arimura T. Et al., 2007; Ntobeko B.A., 2009), Хиндистонда 20%гача (Ushasree B., 2009) етади ва касаллик тез ривожланиб, бу ўз навбатида юрак трансплантациясини талаб қилади (Miura K. et 2008; Valentine H.A. et al., 2009). Перипартал шаклида (ПКМП) асосий илмий тадқиқотлар АҚШ, жанубий Африка, Гаити, Бразилия ва Украинада олиб борилган. Учраш частотаси АҚШда 1:4025 (Brar S. et al., 2005) жанубий Африкада 1:1000 (Sliwa K. et al., 2006) энг юқори кўрсаткич Гаитида 1:300 (Fett J. et al., 2005) хомиладор ва тукқан аёлларда қайд қилинган. ДКМП структурасида ПКМП Украинада 4,4% (Амосова Е.Н., 2002) ташкил қилган. Яшовчанлик ПКМПда идиопатик ДКМПлардан биров яхши, 5 йиллик яшовчанлик 94%, аммо ЮЕ белгилари даво жараёнида 6 ойгача сақланиб қолса, ҳаёт прогнози идиопатик шаклидан фарқланмайди. Одатда 51-54% ҳолатларда чап қоринча қисқариш функцияси тўлиқ тикланади, лекин қора танли аёлларда атиги бу кўрсаткич 23%ни ташкил қилган (Sliwa K. et al., 2006). ДКМПда иммунсупрессив давонинг самараси ўз исботини топмаган бўлсада, аммо долзарб даво турларидан

хозирги даврда иммуномодуляторлар, жумладан иммуноглобулин, моноклонал антителалар, бета интерферонларни ҳамда левосимендан дори воситасини қабул қилиш (Benlono L., et al., 2014) ва иммуноадсорбция муолажалари ҳисобланади (Andrade S.E. et al., 2008). ДКМПда юқори ФС, қонда мия натрий уретик пептидлари, β -адренорецепторларга қарши антителалар ва мочевина миқдорининг ошиши нохуш прогнознинг мустақил белгилари сифатида кўрилади (Levy WC. et al., 2006; Kyuma M. et al., 2004).

Ўзбекистонда ДКМП ва ЮЕ муаммоси бўйича Р.Д. Курбанов, Т.А. Абдуллаев, У.К. Камилова, А.Г. Гадаев, Ш.Н. Носиров, Г.М. Тулабоева, М.А. Хўжамбердиев, Н.С. Мамасолиев, Б.А., Х.Х. Турсунов, Б.А. Аляви, Ч.А. Абдуллаева ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Гипертония, юрак ишемик касаллиги, бўлмачалар фибриляциясида молекуляр-генетик жихатларига бағишланган тадқиқотлар (Елисеева М.Р., 2004, Хамидуллаева Г.А., 2010, Шек А.Б., 2012, Камилова У.К., 2013, Зокиров Н.У., 2014), сурункали ЮЕ (СЮЕ)да иммунологик ўзгаришларнинг симпато-адренал тизим билан ўзаро боғлиқлиги, касалликнинг клиник кечишига таъсири аниқланган (М.А. Хужамбердиев, Н.С. Мамасолиев, 2010). ЮЕни ривожланишида климатик шароитнинг таъсири (Зунунов Х.С., 2001, Турсунов Х.Х. 2012 й), ДКМП ва СЮЕ нинг даво муолажаларини такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотлар (Абдуллаев Т.А., 2004, Гадаев А.Г., 2005, Носиров Ш.Н., 2006, Тулабоева Г.М., 2012, Аляви А.Б., 2012) қайд қилинган. Аммо илмий адабиётларда келтирилган маълумотлардан маълумки, мамлакатимизда ДКМПнинг клиник кечиш турларларининг ўзига хослиги, иммун-генетик ҳолати, яқин ва узоқ муддатда ҳаёт прогнозини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар деярли ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази илмий ишлар доирасида «Нокоронароген ва ишемик этиологияли СЮЕ мавжуд беморларда ангиотензинга ўзгартирувчи фермент (АЎФ) гени полиморфизми, қондаги цитокинлар миқдори ва гормонал ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда фармакотерапиясини такомиллаштириш» номли №ITD-1109-11.3-41956 лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дилатацион кардиомиопатия касаллиги алоҳида шакллариининг клиник-функционал ўзига хос хусусиятларини иммунгенетик кесим билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва сурункали юрак етишмовчилиги стандарт терапияси фонида касаллик динамикаси ҳамда ҳаёт прогнозини асослаш.

Тадқиқотнинг вазифалари: СЮЕ мавжуд шифохонада даволанаётган беморлар структурасида ДКМПнинг турли клиник шакллариининг солиштира нисбатини аниқлаш;

ДКМПли беморлар турли шаклларида касалликнинг клиник кечиши динамикаси ва СЮЕ гемодинамик параметрларини ҳар хил ёш категорияларида касалликнинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни ўрганган ҳолда баҳолаш;

ДКМПли беморларда иммунологик ҳолат (иммунитетнинг хужайра ва гуморал бўғинлари), қондаги яллиғланиш цитокинлар даражаси ва миокард тўқимаси антигенларига қарши антителалар титри нисбати кўрсаткичларини ЮЕ нинг оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда аниқлаш;

ўзбек миллатига мансуб ДКМПли беморларда ангиотензинга ўзгартирувчи фермент (АЎФ) генининг I/D полиморф маркерлари тақсимланишини чап қоринча (ЧҚ) структур-функционал ремоделлашув даражасини баҳолаган ҳолда аниқлаш;

АЎФ гени I/D полиморфизмига боғлиқ ҳолда ўзбек миллатига мансуб ДКМПли беморларни АЎФ ингибиторлари билан узоқ муддат даволаш жараёнида миокард ремоделлашуви ва марказий гемодинамика кўрсаткичларига таъсирини ўзига хослигини баҳолаш;

касалликнинг турли кечиш шакллари клиник-гемодинамик кўрсаткичларига СЮЕ стандарт терапиясини узоқ муддат давомида қабул қилиш самарасини қиёсий баҳолаш. Иммуномодулятор-глутатионнинг ДКМПли беморлар иммун ҳолати кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

клиник босқичигача бўлган даврда ДКМП ривожланишини эрта олдини олиш мақсадида беморларда касалликнинг клиник белгилари продромал аломатлари ва функционал кўрсаткичларни эрта оғишини комплекс ўрганиш асосида касаллик ривожланиш хавфини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

ДКМПли беморлар ҳаётини башоратлаш учун (1 й; 2 й; 5 йил) клиник-функционал кўрсаткичлар аҳамиятини баҳолаш ва 1, 2, 5 йиллик ўлим учун прогнозлаш моделини яратиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида стационар шароитда даволанаётган 274 нафар ДКМП хасталигига чалинган беморлар ва 60 та соғлом кишилар танланган.

Тадқиқотнинг предмети. Беморлар вена қони ва зардоби тадқиқот ишида биокимёвий таҳлиллар, АЎФ генининг I/D полиморфизми, яллиғланиш цитокинлари (ЎНО-α, ИЛ-6) ва маркерлари (С-реактив оксил), иммунологик ҳолатини миқдорий аниқлаш учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, биокимёвий, иммунофермент, иммунологик, инструментал, статистик услублар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

ДКМПнинг перипартал ва оилавий шакли идиопатик ва яллиғланиш шаклидан фарқли ўлароқ кичикроқ ёшларда учраган; оилавий шакли 40%дан ортиқ ҳолларда она томондан авлоддан-авлодга ўтган ва 12% ҳолатда ЭКГда тўлиқ атриовентрикуляр блокада (АВ) ривожланган;

касалликнинг перипартал шаклида юрак чап бўлимларининг камроқ ифодаланган дилатацияси аниқланган ва 38% ҳолатларда ЮЕнинг СТ фониди чап қоринча отиш фракциясининг (ЧҚОФ) буткул тикланиши исботланган;

касаллик авж олиши билан қон зардобиди йирик ҳамда майда циркуляцияланувчи иммун комплекслар (ЦИК) ва яллиғланиш цитокинлари даражасининг ҳамда миокарда тўқималарига қарши антителалар (АТ) титрининг ишончли тарзда ошиши исботланган;

СТ фонида глутатион дори воситасини бирга қўллаш иммунологик ҳолатини ишончли тарзда яхшилаши исботланган;

АЎФ генлари I/D полиморф маркерларини интеграл ўрганиш асосида ДКМП беморларида ЧҚ дилатацияси ва гипертрофияси ривожланишида АЎФ гени D-аллел ташувчисининг салбий роли исботланган;

антиремоделлашув таъсири натижасида DD-генотип ташувчи гуруҳда эхокардиография кўрсаткичлари ижобий динамикаси яққолроқ намоён бўлиши аниқланган;

энг яқин салбий якун предикторлари аниқланган, улар ДКМПнинг оилавий шакли, кичик ёш, буларда касаллик тез авж олиши ва ЮЕ белгилари илк бор пайдо бўлгач, кузатувнинг биринчи 2 йиллигида ўлим ҳолатларининг ишончли ошиб бориши исботланган;

кўп омилли регрессион таҳлил асосида бемор ҳаётини прогнозловчи модел яратилган, яъни оғир ЮЕ функционал синфи (ФС) (ЮЕ III-IV ФС), артериал босимнинг пастлиги, кичик ёш, ЭКГда QRS комплекси-даги ўзгаришлар, қоринчалар экстрасистолиясининг (ҚЭ) юқори градация-лари ва охириги систолик ҳажмнинг (ОСХ) 178 млдан катталашини ДКМП беморлари ҳаёти прогнозини ишончли тарзда ёмонлаштириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

комплекс клиник-лаборатор-инструментал текширув маълумотлари асосида касалликнинг симптомсиз босқичида ДКМП ривожланиш ҳавфини аниқлаш усули ишлаб чиқилган ва клиник амалиётга тадбиқ қилинган. «Дилатацион кардиомиопатия ривожланиш ҳавфини аниқлаш усули» (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги, № IAP 05198 ихтиро учун патент). ДКМПли беморларда АЎФ гени полиморфизмининг ҳисобга олган ҳолда оғир ЮЕ ривожланиши предикторларини аниқлашга имкон берувчи конкрет илмий-техникавий ишланмалар олинган. Улар ёрдамида ЮЕ СТ дори воситаларини дифференциаллашган ҳолда қўллаш орқали даво натижаларини яхшилаш мумкин. Тадқиқот натижаларини амалда қўллаш мамлакатимиз аҳолиси орасида ДКМПли беморларнинг генетик «паспорт»ларини яратишнинг асоси, шунингдек кейинчалик ген терапияси каби ноёб усулларни ишлаб чиқиш учун база бўла олади;

ДКМПнинг оилавий шаклларида янада эҳтиёткорликни талаб қилади, яъни ЭКГда I-даражали АВ блокада ва Гис тутами чап оёқчаси блокадаси (ГТЧОБ) аниқланиши тўлиқ АВ блокада ривожланиш предиктори сифатида қабул қилиш лозим, бу зудлик билан юракка электрокардиостимулятор (ЭКС) ўрнатишни талаб қилади;

беморларда ўлими ҳавфини башорат қилиш шкаласи яратилди, ДКМПнинг қайси шаклидан қатъий назар хар йили динамикада ўлим ҳавфини баҳолаш шкаласи ёрдамида текширув ўтказиш зарур.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва услублар, назарий маълумотларнинг олинган тажриба натижалари билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жихатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг

ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, яллиғланишга қарши цитокинлар даражасини комплекс равишда тадқиқ қилиш, миокард тўқималарига антителалар титри, гуморал типдаги аутоиммун реакциялар ДКМПли беморларда юрак тўқимасининг шикастланиши даражасини, асоратлар ривожланиши ҳавфини баҳолаш ва яқин вақтдаги салбий прогнозга эга бўлган беморлар гуруҳини аниқлашга имкон беради. Ўзбек миллатига мансуб ДКМП беморларида чап қоринча миокарди массаси (ЧҚММ) ошиши ва яққол дилатация ривожланиши ҳавфини баҳолаш учун АЎФ гени I/D полиморф маркерини «шикастловчи» аллеллар ташувчанлигини генотиплаштиришни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. ЧҚ ремоделлашуви билан ассоциацияланувчи АЎФ генлари полиморф маркерларини «шикастловчи» аллелларини аниқлаш ДКМП асоратларини эрта профилактикасининг янги имкониятларини очиб беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ДКМПли беморларда глутатион билан иммунотерапия курсини ўтказиш жигар функциясини яхшилади ва ЎРИ ҳисобига ЮЕ авж олиши туфайли қайта шифохонага ётиш сонини ишончли пасайтиради. Глутатионнинг юқори самарага эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда уни иммунологик ҳолати сусайган ДКМПли беморлар комплекс даволаш схемасига киритиш тавсия қилинади. Динамикада ДКМПли беморларга ўлим ҳавфини баҳоловчи шкала ёрдамида сўровнома ўтказиш лозим. Юқори ҳавф омили мавжуд беморларни мутахассис кўригига йўлланма бериш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

ДКМП беморларни эрта босқичларда аниқлашда янгича ёндашувлар, дифференциал ташхислаш ва қўшимча даволаш тактикасини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида: «Дилатацион кардиомиопатия ривожланиш ҳавфини аниқлаш усули» ихтирога патент олинган (№IAP 05198, 02.03.2016 й.). Ушбу патент клиник-лаборатор-инструментал текширишлар асосида касалликнинг илк босқичида ДКМП ривожланиши ҳавфини аниқлаш имконини берган;

«Дилатацион кардиомиопатияли беморлар андроген ҳолати ва тестостерон билан бирга даволашнинг имкониятлари» номли услубий тавсия тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 15 октябр-даги 8м/152-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсия ДКМП беморлар андроген ҳолати сусайган даврда, тестостеронни СТга қўшимча равишда қўллашда даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

илк клиник белгилари пайдо бўлгунга қадар даврда ДКМП ривожланиши ҳавфини аниқлаш ва касалликлар дифференциал диагностикасида янгича ёндашувни оптималлаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий кардиология тиббиёт маркази, Жиззах вилояти кардиология

диспансери ва кўп тармоқли тиббиёт маркази, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ва Наманган кардиология марказлари амалиётига ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ўқув жараёнига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 апрелдаги 8н-д/70-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ қилиниши ДКМП беморларни эрта аниқлаш, даво муолажаларини самарасини ошириш, ҳаёт сифатини яхшиланиши ва қайта шифохонага ётиш сонини камайтиради ва бу ўз навбатида иқтисодий самарадорликка имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 39 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 30 халқаро ва 9 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 124 та илмий иш нашр қилиниб, улардан 26 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрлар рўйхатига киритилган журналларда, улардан 10 таси халқаро илмий журналларда нашр этилган, 1 монография ҳаммуаллифликда, «Дилатацион кардиомиопатия ривожланиш ҳавфини аниқлаш усули» мавзусида ихтиро учун патент олинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 184 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Дилатацион кардиомиопатия этиопатогенези, тарқалганлиги ва классификацияси муаммоларига назарлар эволюцияси**» номли биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда ДКМП касаллиги ҳақида маълумотлар, яъни этиопатогенези, дунё бўйлаб тарқалиш кўрсаткичлари, замонавий таъсифланиши, касалликнинг ривожланиш босқичлари, ДКМПли беморлар ҳаётини башорат қилиш ва замонавий даволаш усуллари бўйича адабиётлар мунозараси келтирилган.

Диссертациянинг «**Клиник материаллар умумий характеристикаси ва тадқиқот усуллари**» номли иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва фойдаланилган усуллар, шунингдек, тадқиқот натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар ёритилган. Ушбу тадқиқотга 14 йил давомида

(1998-2012йй) Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида (РИКМ) стационар шароитда даволанган 514 нафар ДКМПга чалинган беморлар жалб қилинган. Анамнез натижасига кўра тадқиқотнинг клиник-функционал усуллари бўйича ДКМПли беморлар касаллик кечишининг 4 шаклига бўлинган. Оилавий шакли 58 нафар беморда аниқланиб, бу 11,3% ни ташкил қилган; улардан 50 тасида ҳаёт прогнози (I-гуруҳ) маълум бўлган. ДКМПнинг перипартал шакли 68 та аёлда аниқланиб, бу 13,2 % ни ташкил қилган, улардан 50 нафари тадқиқотга (II-гуруҳ) киритилди. III-гуруҳни 154 нафар беморлар (29,9 %) ташкил қилиб, уларда ДКМП симптомлари ўткир респиратор инфекцияни (ЎРИ) бошдан ўтказгандан сўнг бошланган. Улардан тадқиқотда 79 та беморлар иштирок этган. IV- гуруҳга 234 та (45,5 %) бемор киритилиб, уларда касаллик ривожланиши ноаниқ бўлган, улардан 95 нафари жалб қилинган.

Тадқиқотга ҳаёт прогнози маълум бўлган жами 274 нафар ДКМПли беморлар жалб қилиниб, уларнинг ўртача ёши $38,5 \pm 0,7$ ёшни ташкил қилган. Беморлар ЮЕ ФС оғирлик даражасига мувофиқ равишда 5 гуруҳга бўлинди. I-гуруҳга 12 нафар (4,4%) беморлар касалликнинг «тасодифий топилма босқичида» (ТТБ), яъни симптомсиз босқичида, II-гуруҳга 30та (10,9%) II ФС, III-гуруҳга 147 нафар (53,6%) беморлар III ФС, VI-гуруҳга 85 та (31%) беморлар VI ФС босқичида, улардан 35 нафари (41,2%) V-гуруҳга киритилиб, ЮЕнинг рефрактер босқичи ва юрак кахексияси (ЮК) аломатлари аниқланган. ДКМП ташхиси кардиомиопатиялар бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ишчи гуруҳи томонидан таклиф қилинган мезонлар (1995 й.) асосида аниқланди.

Беморларга лаборатор ва инструментал текширувлар, яъни электрокардиограмма (ЭКГ), ЮҚТТ фаолиятини баҳолаш учун эхокардиография (Эхо-КГ), юрак аритмиялари турлари ва миқдорини аниқлаш учун суткалик холтер ЭКГ мониторинг (ХМЭКГ), кардиоторакал индексни аниқлаш мақсадида рентгенкардиометрия, жисмоний юкламага чидамлилиқни аниқлаш учун 6 дақиқалик юриш синамаси, клиник ҳолатни баҳолаш учун клиник ҳолатни баҳолаш (КХБШ) шкаласи каби усулларидадан фойдаланилди. ЭКГда ўчоғли ўзгаришлар мавжуд беморларда дифференциал ташхис мақсадида коронароангиография муолажаси амалга оширилди. Қондаги яллиғланиш цитокинлари ва иммунологик ҳолатни аниқлаш мақсадида иммунофермент усули ($n=100$) ўтказилди. Молекуляр-генетик тадқиқот учун 102 нафар ўзбек миллатига мансуб ДКМП беморлар ДНК намуналаридан фойдаланилди. Назорат гуруҳни 60 нафар ўзбек миллатига мансуб соғлом, жинси ва ёши бўйича беморлар билан таққослана оладиган инсонлар ташкил қилган.

Стандарт терапия (СТ) таркибига қуйидагилар: АЎФ ингибиторлари - лизиноприл суткасига 5-10 мг, бета-блокатор-бисопролол 5-10 мг, спиронолактон 50-100 мг дозада ва халқали диуретиклар буюрилди. Дигоксин суткасига 25 мг, амиодарон 200-400 мг ва варфарин 2,5 мг дозада кўрсатма асосида буюрилди.

Олинган натижаларнинг статистик ишлови учун «Biostatistics for windows, 4,03 версияси» дастурлар пакетидан фойдаланилди. Ўрганилаётган

кўрсаткичнинг ўртача арифметик бирлиги (M), ўртача квадратик чекланиши ва ўртача birlik стандарт хатоси (m) ҳисобланди. Фарқлар аҳамияти аломатларнинг нормал тақсимланиши ҳолатларида Студент критерийсига (t) биноан аниқланди. Сифат белгилари бўйича таққослаганда χ^2 мезони қўлланилди. Ўлим хавфини баҳолаш мақсадида бирламчи ва кўпламчи қадамли логистик регрессия усулидан фойдаланилган. Кўпламчи логистик регрессия «SPSS. Statistics 20.0» статистик дастурлари пакети ёрдамида ўтказилди. Статистик аҳамиятга эга ўзгаришлар деб $p < 0,05$ ишончлилиқ даражаси қабул қилинди.

Диссертациянинг «Дилатацион кардиомиопатиянинг турли шакллари билан хасталанган беморлар тарқалганлиги, клиник-функционал ўзига хослиги, иммунологик ҳолати ва прогнози» деб номланган учинчи бобида ДКМП турли шакллариининг шифохонада учраш нисбати, ўзига хос хусусиятлари ва ЭКГсида мавжуд ўзгаришларга боғлиқ ҳолда кечиш хоссалари ёритилган. Ўтган давр мобайнида ДКМПга чалинган 514 нафар беморлар РИКМ клиникасида даволанишди. Бунда агар 1998 йилдан 2005 йилгача 7040та СЮЕ мавжуд беморлар орасида 110 (1,6 %) нафарида ДКМП аниқланган бўлса, кейинги 2006-2012 йилларда бу нисбат 6370 нафар СЮЕ мавжуд беморлар орасида 404 (6,3 %) тани ташкил қилган (1-жадвал) .

1-жадвал

ДКМП турли шакллариининг учраш частотаси

Клиник шакллари (n=514)	1998-2005 й., (n=110)		2006-2012 й.,(n=404)	
Идиопатик шакли	46	41,8%	188	46,5%
Яллиғланувчи шакли	49	44,5%	105	25,9%
Оилавий шакли	10	9,1%	48	11,8%
Туғруқдан сўнги шакли	5	4,5%	63	15,6%*

Изоҳ: * – кўрсаткичларнинг гуруҳлараро фарқлари ишончлилиги.

Ушбу касаллик ҳомиладор ва туғруқдан сўнги даврда аёлларда учраши ишончли тарзда кўпайган.

Маслаҳат поликлиникасига мурожаат қилган беморлар орасида НУНА бўйича СЮЕ II ФС 10,9%, III ФС 53,6% ва IV ФС 31% да қайд қилинган ҳамда 12 (4,4%) нафар беморлар ТТБда аниқланган.

ЭКГ ва ХМЭКГ маълумотларидан энг кўп учрайдиган аломатлари куйидагилар; ўнг кўкрак узатмаларида «R» тишчаси амплитудаси ўсмаслиги ва чуқур «S» тишча мавжудлиги ҳамда чап кўкрак узатмаларида «R» тишчаси амплитудасининг энг юқорилиги (45,2 %) қайд қилинган. 47 нафар (17%) ДКМПларда Гис тутами чап оёқчаси тўлиқ блокадаси (ГТЧОТБ), бу Гис тутамининг ўнг оёқчаси блокадасига (ГТЎОБ) нисбатан (n=16) уч карра кўп учраган ($p < 0,01$). 44 нафар (16 %) беморларда юрак мушаклари яққол фибрози оқибатида Q ёки QS типиди патологик тишчалар аниқланган.

ЭКГ таҳлили асосида беморлар 3 гуруҳга бўлинди. I-гуруҳга (n=47) ЭКГ да ГТЧОТБ мавжуд беморлар, II-гуруҳга (n=44) ЭКГ да псевдо-Q ва/ёки QS тишча мавжуд беморлар, III-гуруҳга 124 нафар беморлар, яъни ўнг кўкрак

узатмаларида «R» тишчаси амплитудаси ўсмаслиги ва чуқур «S» тишча мавжудлиги ҳамда чап кўкрак узатмаларида «R» тишчаси амплитуда-сининг юқорилиги мавжуд беморлар киритилди. Қолган беморлар (n=16) ЭКГда ГТЎОБ ва 44 нафарида ГТЧО олд ва орт шохчаси блокадаси аниқланганлар тадқиқотнинг бу қисмидан четлатилди.

Солиштирилган гуруҳлар ёши, жинси, касаллик давомийлиги бўйича фарқланмаган. Тинч ҳолатда хансираш, асцит, периферик шишлар каби ўнг қоринча (ЎҚ) ЮЕ мавжудлигидан дарак берувчи белгилар ГТЧОТБси ва Q-тишчаси мавжуд гуруҳда шубҳасиз кўпроқ учраган, шунингдек ЮЕнинг оғир формалари I ($3,5 \pm 0,1$) ва II ($3,3 \pm 0,1$) гуруҳда III гуруҳга нисбатан ($3,1 \pm 0,1$; $p < 0,01$) кўпроқ қайд қилинди. Беморларда ГТЧОТБ ва Q-тишчаси мавжуд гуруҳларда қоринчалар экстрасистолиясининг (ҚЭ) юқори градациялари, яъни жуфт-жуф ва гуруҳ ҳолда келувчи ҚЭ ва қоринчалар тахикардиясининг (ҚТ) турғун бўлмаган шакли ҳамда ва I- даражали АВ блокада ишончли тарзда кўпроқ қайд қилинган.

Юрак ичи гемодинамикасининг қиёсий таҳлили сезиларли фарқлар мавжудлигини исботлади: охириги диастолик хажмнинг (ОДХ) - 9,2 % ва 3,2 % га, охириги систолик хажм(ОСХ)- 12,5 % ва 5,1 % га ошиши ҳамда I ва II гуруҳларда чап қоринча отиш фракцияси (ЧҚОФ) кўрсаткичи 12,1%га ($33 \pm 1,6\%$) ва 16%га ($32 \pm 1,2\%$) мувофиқ равишда III-гуруҳга ($37 \pm 0,8\%$) нисбатан паст эканлиги аниқланди ($p < 0,05$).

Тадқиқотимизнинг кейинги бўлаги ДКМПнинг оилавий ва перипартал шаклли беморларда касалликни клиник кечишини ўзига хослиги, ЮЕ СТсининг самараси ва ҳаёт прогнозини ўрганиш бўлди. Қиёсий баҳолаш учун икки гуруҳ шакллантирилди: I-гуруҳга 50 нафар ДКМПнинг оилавий шакли ва II гуруҳга 95та идиопатик шаклига мансуб беморлар жалб қилинди. Бу икки гуруҳ ЮЕнинг оғирлиги, жинси ва касаллик давомийлиги бўйича фарқланмади, аммо ДКМПнинг оилавий шакли ёшроқ даврда ривожланиши аниқланди ($37,5 \pm 1,5$ ва $41,4 \pm 1,2$ ёш; $p < 0,01$). ЭКГ-параметрларининг қиёсий таҳлилида, АВ-блокада I даражаси иккила гуруҳда (мувофиқ равишда 22,2 % ва 23 %) бир хил сонларда учраган. Шу билан бирга идиопатик шаклида 1(1,05 %) ҳолатда касаллик авж олиш мобайнида 5 йилдан сўнг АВ блокаданинг III даражаси қайд қилинди, оилавий шаклида эса кузатув давомида 50та бемордан 6 (12 %) нафарида АВ блокада III даражагача ривожланган ($p < 0,01$).

Оилавий шаклида 21 (42 %) ҳолатда касаллик она томонидан (12 та оилада) авлоддан авлодга ўтган бўлса, 5 (10%) ҳолатда ота томонидан (5 та оилада) кейинги авлодга ўтган. 11 (22%) ҳолатда (7 та оила) шунингдек қондош қариндошлар касалланган, қолган 13 (26%) нафар беморларда оилавий тарих шуни кўрсатдики, оиланинг камида битта аъзоси 35 ёшгача бўлган даврда қўқисдан ёки ЮЕ белгилари кучайишидан нобуд бўлган.

Оилавий шаклли беморлар ҳаётининг яқин ва узоқ прогнозини ўрганиш натижасида, 1- йил охирига келиб ўлим ҳолати 17та (34 %) беморларда (ўртача ёш $32,7 \pm 2,7$ йил) қайд этилди. Кузатувнинг 2-йилида яна 6 нафари (46 %) нобуд бўлган, улардан 5 тасида (83%) беморлар ёши 35 ёшдан

ошмаган. Кузатувнинг 24-ойидан сўнг ўлганлар сони 11 тага (22 %) етган, яъни кузатувнинг 24-ойигача ўлганларга нисбатан ишончли равишда кам қайд қилинган ($p<0,01$), бунда уларнинг ўртача ёши ($46,4\pm2,7$ ва $32,6\pm2,1$ ёш) кузатувнинг 2- йилигача ўлганлар ёшидан баланд бўлган.

ДКМПнинг идиопатик шаклли гуруҳида ($n=95$) биринчи йил давомида 18 та (18,9 %) ўлим қайд қилинди, бу эса оилавий шаклига нисбатан ишончли кам бўлган (34 %; $p<0,05$). Бунда 35 ёшгача бўлган беморларда ўлим ҳолати 27 нафаридан 9 тасида (33,3 %), 35 ёшдан катта беморлар орасида эса 68 та бемордан 9 нафарида (12,8%) қайд қилинган ($p<0,05$). Узоқ муддатли кузатиш давридаги ўлим билан якунланувчи ҳолат I ва II гуруҳларда мувофиқ равишда 68% ($n=34$) ва 64% ($n=61$)ни ($p>0,05$) ташкил қилган, яъни яшовчанлик кўрсаткичи оилавий ва идиопатик шаклида мувофиқ равишда 32% ва 36%ни ташкил қилган.

Тадқиқотимизнинг кейинги қисмини ПКМПли беморларда касалликнинг клиник кечишини ўзига хослиги ва ҳаёт прогнозини баҳолаш бўлди. Тадқиқотга 50 нафар ПКМПли беморлар киритилди (I-гуруҳ). Қиёсланувчи гуруҳ (II-гуруҳ) 43 нафар аёл жинсига мансуб идиопатик шаклли ДКМП беморлардан иборат бўлган. ПКМП беморларининг ўртача ёши идиопатик шаклига нисбатан анча ёш ($28,2\pm0,8$ ва $38,1\pm2,1$ ёш; $p<0,001$) бўлган.

Юрак ички гемодинамикаси параметрларининг таҳлили идиопатик шаклида юрак чап бўлимлари чизиқли ўлчамлари ишончли тарзда юқори эканини кўрсатди. ЧҚ ОФ бўйича гуруҳлар ўртасида фарқлар бўлмасда ($36\pm1,4$ ва $33,3\pm1,3\%$; $p>0,05$), ПКМПли беморларга нисбатан идиопатик шаклида қуйидаги кўрсаткичлар юқори бўлган: ўнг қоринча (ЎҚ) чизиқли ўлчами- $14,7\%$ га ($3,4\pm0,1$ ва $3,9\pm0,1$ см), ЧҚ охири диастолик ўлчами (ОДЎ)- $10,7\%$ га ($6,5\pm0,1$ ва $7,1\pm0,1$ см) ва охири систолик ўлчами (ОСЎ) - $11,3\%$ га ($5,3\pm0,1$ ва $5,9\pm0,1$ см) ($p<0,01$).

Узоқ муддат кузатишдан маълум бўлишича, перипартал шаклида 12 ойлик ЮЕ стандарт терапияси фонида ЧҚ функциясининг (ОФ $>55\%$) бутунлай тикланиши 38%($n=19$) ҳолатда қайд этилган бўлса, бу қиёсий гуруҳларда аналогик даво самарадорлигидан тўрт карра юқорилигини кўрсатади, яъни идиопатик шаклида 9,3% ($n=4$) ва оилавий шаклида 8% ни ($n=4$) ташкил қилган. ПКМП беморлари ҳаёти яқин прогнозини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, 1-йил якунида ўлим билан якунланувчи ҳолат 4тани (8%) ташкил қилган бўлса, идиопатик шаклида аналогик кўрсаткичлар 5 та (11,6 %) бўлди. Умумий ҳисобда ўлим билан якунланиш 5 йил давомида икки гуруҳда мувофиқ равишда 15та (30%) ва 17тани (39,5%) ташкил қилган. Қолган 35нафар (70 %) беморлар 4 йилдан 12 йилгача кузатилди. Кейинчалик ПКМП гуруҳида 2 ҳолатда ўлим қайд қилиниб, яшовчанлик кўрсаткичи 66%ни ($n=33$) ташкил қилган. II- гуруҳда кейинги 5 йилликда қўшимча яна 5 та бемор ва 4 ҳолатда 12-13 йиллик кузатиш мобайнида нобуд бўлишган. Жами ўлим ҳолатларини сони бўйича идиопатик шаклида уларнинг ишончли юқорилиги қайд қилинди (60,4% қарши 34%; $p=0,02$).

Диссертациянинг «Дилатацион кардиомиопатиянинг турли шаклларида иммун тизим фаолиятининг ўзига хослиги, АЎФ гени полимор-

физмининг ўзбек миллатига мансуб ДКМП беморларининг клиник-функционал кўрсаткичларига таъсири ва касаллик ривожланиши хавфини аниқлаш усули» номли тўртинчи бобида ДКМПнинг турли шаклларида СЮЕни оғирлик даражасини қондаги яллиғланиш маркерлари (СРО), яллиғланиш цитокинлари (α -ўсма некрози омили (α -ЎНО) ва интерлейкин -6 (ИЛ-6) ва миокард тўқималарига қарши антителалар (АТ) титри билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш натижалари келтирилган. Лаборатория маълумотлари ДКМПли беморларда соғлом инсонларга нисбатан қон зардобиди миокард тўқималарига қарши антителалар ($101,7 \pm 14,3$ ва $33,3 \pm 2,6$; $p < 0,01$), яллиғланиш цитокинлари, яъни α -ЎНО миқдори ($8,6 \pm 0,8$ ва $4,6 \pm 0,8$; $p < 0,01$), ИЛ-6 ($7,9 \pm 0,5$ ва $3,4 \pm 0,3$; $p < 0,001$) ва С-реактив оксилнинг ($7,2 \pm 0,6$ ва $2,3 \pm 0,6$; $p < 0,01$) юқори концентрацияси қайд қилинган.

СЮЕнинг ФС га қараб 5та гуруҳ шакллантирилди: I-гуруҳни ТТБда аниқланган 10 нафар (10%) беморлар, II-гуруҳни СЮЕ II ФС га оид 15 нафар (15 %), III-гуруҳга СЮЕ III ФС га оид 40 нафар (40 %), IV-гуруҳга СЮЕ IV ФС га оид 35 та (35 %) беморлар, улардан 12 нафарида (34,3%) (V-гуруҳ) юрак кахексияси (ЮК) ҳолати аниқланган.

ДКМПли беморлар қон зардобидидаги ўрганилаётган яллиғланиш цитокинлари ва маркерлари концентрацияси юрак етишмовчилиги (ЮЕ) оғирлик даражаси ортиши билан статистик тарзда ошиши аниқланди: ТТБда аниқланган дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) беморларда минимал оғишидан, СЮЕ IV ФС гуруҳида максимал даражагача, айниқса ушбу кўрсаткичлар юрак кахексия (ЮК) ҳолатларида яққол намоён бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

ДКМПли беморларда СЮЕ оғирлигига боғлиқ ҳолда қон зардобиди яллиғланиш цитокинлари (α -ўсма некрози омили, ИЛ-6), СРО, миокард тўқималарига қарши АТ титри даражаси (M+m)

Кўрсаткич	I-гуруҳ (ТТБ) (n=10)	II-гуруҳ (II ФС) (n=15)	III-гуруҳ (III ФС) (n=40)	IV-гуруҳ (IV ФС) (n=23)	V- гуруҳ (IVФС+ЮК) (n=12)
СРО, мг/л	$2,2 \pm 0,9$	$5,1 \pm 0,9$	$6,8 \pm 0,9^*$	$8,4 \pm 1,1^{**}$	$10,6 \pm 1,4^{***\Delta}$
ИЛ-6, пг/мл	$4,9 \pm 0,8$	$5,1 \pm 0,2$	$7,4 \pm 0,6^{**}$	$10,4 \pm 1,5^{**}$	$11,1 \pm 0,6^{**}$
α -ЎНО, пг/мл	$6,2 \pm 1,1$	$5,2 \pm 0,5$	$6,6 \pm 0,5$	$12,7 \pm 1,3^{***\Delta}$	$15,3 \pm 3,8^{***\Delta}$
Миокард тўқимасига АТ	128 ± 24	$92,5 \pm 16,8$	$88,2 \pm 21,2$	$69,6 \pm 12,4^*$	$66,1 \pm 17,5^*$
ЧҚ ОДЎ, см	$6,5 \pm 0,1$	$6,8 \pm 0,2$	$7,0 \pm 0,1^*$	$7,3 \pm 0,1^{***\Delta}$	$8,1 \pm 0,3^{***\Delta}$
ЧҚ ОСЎ, см	$5,1 \pm 0,1$	$5,3 \pm 0,2$	$5,8 \pm 0,1^{**}$	$6,2 \pm 0,1^{***\Delta}$	$6,8 \pm 0,2^{***\Delta}$
ЧҚОФ, %	$41,5 \pm 1,8$	$42,8 \pm 3$	$34 \pm 1,3^{**}$	$30 \pm 2^{**}$	$29 \pm 2^{**}$

Изох. Кўрсаткичлар фарқлари (*- $p < 0,05$; **- $p < 0,01$) гуруҳлар ўртасидаги солиштиришда ишончлилик: ♠ - I гуруҳ; ♣ - II гуруҳ; ♥ - III гуруҳ; ♦ - IV гуруҳ; Δ - V гуруҳ.

Сурункали юрак етишмовчилиги функционал синфига боғлиқ холда иммунологик мониторинг қилинганда тасодифий топилма босқичида (ТТБ) миокард тўқималарига антителалар (АТ) титрининг миқдори назорат гуруҳига нисбатан тўрт карра ошган бўлса, IVФС ва юрак кахексия ҳолатларида минимал титри аниқланган. Бунда ТТБда аниқланган ДКМПда қондаги миокард тўқима-ларига АТ титри энг юқори даражаси қайд қилиниб, бу IVФС беморлар кўрсаткичларидан 84%га юқори бўлган. СЮЕ функционал синфи (ФС) оғирлашиши билан чап қоринча (ЧҚ) чизикли ўлчамларининг катталашиши, шунингдек чап қоринча отиш фракциясининг (ЧҚОФ) прогрессив тарзда пасайиши қайд қилинди.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичи ЮЕ турли ФС мавжуд ДКМП беморларда иммун ҳолатида хўжайравий ва гуморал бўғинларнинг силжишларини баҳолаш бўлди.

Иммунитетнинг хўжайравий бўғини кўрсаткичлари таҳлилида Т-лимфоцитлар (CD3+,%) умумий популяциясининг назорат гуруҳига нисбатан 14,8%га ($59 \pm 1,5$ ва $51 \pm 0,6$; $p < 0,01$) ва Т-хелперлар (CD4+) концентрациянинг 21,6% га ($33,8 \pm 1,08$ ва $26,5 \pm 0,3$; $p < 0,01$) пасайганлиги аниқланди. Т-супрессорлар (CD8+) концентрацияси эса беморларда 31% га ($24 \pm 0,5$ ва $18,4 \pm 0,5$; $p < 0,01$) баланд бўлган, оқибатда ДКМПда назорат гуруҳига нисбатан ИРИнинг (CD4+/CD8+) 23%га ($1,15 \pm 0,02$ ва $1,5 \pm 0,05$; $p < 0,01$) пасайиши қайд қилинган. ДКМПли беморларда иммунитетнинг гуморал бўғини фаоллашиши тасдиғи сифатида қонда циркуляцияланувчи иммун комплекслар (ЦИК) даражаси ошиши аниқланди. Йирик ЦИКнинг ўртача концентрацияси назорат гуруҳини кўрсаткичларидан ишончли баландлиги ($24 \pm 1,5$ ва $8,5 \pm 1,3$; $p < 0,01$), шунингдек майда ЦИК ҳам уч карра юқорилиги ($43 \pm 2,4$ ва $14,2 \pm 1,2$; $p < 0,01$) аниқланди, бу эса ДКМПда аутоиммун жараёнларнинг авж олганлигидан дарак беради. ДКМП турли шаклларида иммунитетнинг хўжайравий бўғини параметрлари таҳлилида маълум бўлдики, барча гуруҳларда назорат гуруҳига нисбатан Т-хўжайралар танқислиги аниқланган. Т-лимфоцитлар (CD3) миқдорининг пасайиши (CD4)-лимфоцитларнинг шикастланиши эвазига содир бўлган. Т-хелперлар (CD4) миқдорининг пасайиши иммунитетнинг хўжайравий бўғинининг етарли фаолликда эмаслигидан далолат беради. Иммунитет пасайишини акс эттирувчи муҳим мезонлардан бири иммунорегулятор индексдир (ИРИ), бу иммунитетнинг хўжайра бўғинида иммунтанқислик мавжудлиги мезони сифатида қаралади. Буни назорат гуруҳига нисбатан барча гуруҳларда CD4/CD8 нисбатлари ишончли тарзда пасайиб кетганлиги тасдиқлайди.

ДКМПнинг турли ЮЕ ФСга боғлиқ холда иммунологик силжишлар характери ўрганилди (3-жадвал). ЮЕ ривожланиши билан иммунитетнинг хўжайравий бўғинининг сусайиши аниқланди. Таъкидлаш жоиз, ТТБ да аниқланган беморларда Т-лимфоцитлар и Т-хелперлар даражаси энг паст эканлиги, бу эса организмда илгаридан ўзгарган иммунореактивлик фонида ДКМП ривожланиши эҳтимолини кўзда тутди.

СЮЕ ФС га боғлиқ ҳолда ДКМПда иммунитетнинг ҳужайравий ва гуморал ҳолатлари, ($M \pm m$)

Иммунологик параметрлар	Назорат (n=29)	I гуруҳ (ТТД)	II гуруҳ (II ФС)	III гуруҳ (III ФС)	IV гуруҳ (IV ФС)
CD3+, %	59,4 $\pm$ 1,5	46 $\pm$ 1***	52 $\pm$ 1,3**	50 $\pm$ 1***	50 $\pm$ 1***
CD4+, %	33,8 $\pm$ 1,1	25 $\pm$ 0,6***	27 $\pm$ 0,9***	27 $\pm$ 0,6***	25 $\pm$ 0,4***
CD8+, %	18,4 $\pm$ 0,5	22 $\pm$ 1,4**	25 $\pm$ 1,1***	23 $\pm$ 0,7***	24,5 $\pm$ 1,1***
CD4+ / CD8+	1,5 $\pm$ 0,05	1,2 $\pm$ 0,1**	1,1 $\pm$ 0,1**	1,2 $\pm$ 0,04***	1,1 $\pm$ 0,05***
ЦИК 3%, <20	8,5 $\pm$ 1,3	17 $\pm$ 3**	22 $\pm$ 3***	23 $\pm$ 3***	25 $\pm$ 2***
ЦИК 4%, <40	14,2 $\pm$ 1,2	25 $\pm$ 5**	40 $\pm$ 5***	48 $\pm$ 4***	52 $\pm$ 4***

Изох. Назорат гуруҳи ва беморлар ўртасида фарқлар ишончилиги: ** $p < 0,01$; *** $p < 0,001$.

СЮЕ зўрайиши билан аутоиммун реакциялар прогрессив равишда ўсиб борди, жумладан, барча гуруҳларда йирик ЦИК ўртача концентрацияси назорат гуруҳи кўрсаткичларидан ишончли тарзда баланд бўлди, худди шу ҳолат майда ЦИК томонидан ҳам кузатилган ($p = 0,01$).

